



XIX аср иккинчи ярмига келиб Ўрта Осиё хонликларидаги иктисодий, ижтимоий, сиёсий ахвол танг даражада бўлганлиги бу пайтда жахондаги энг агрессив давлатлар каторига кирган, Европа давлатларига нисбатан иктисодий тараққиётдан орқада қолаётган Россиянинг Ўрта Осиёни ўзига бўйсундириш ниятини рўёбга чиқаришни тезлаштирди. Бу ният Россия императори Пётр I (1672-1725) даврида тугилган бўлиб, у Хива хонлигини бўйсундириш учун ҳатто 1717 йилда Бекович-Черкасский бошчилигида Ўрта Осиёга ҳарбий экспедиция уюштирган эди. Лекин бу ҳаракат, ундан кейин-ги бошқа ҳарбий ҳаракатлар: жумладан, 1839-40 йилларда Перовский бошчилигидаги ҳарбий юриш ҳам муваффақиятсизликка учради. XVIII-XIX асрнинг биринчи ярми давомида рус ҳукумати Пётр I орзуларини амалга ошириш йўлида унинг васиятларини бажариб, Кипчок даштларини ўзига бўйсундирди ва у ерда ҳарбий истехкомлар бу-нёд этди. Бу даврда Россия учун саноатни ривожлантириш, уни хом-ашё билан таъминлаш ва ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотиш учун янги бозорлар излаш кечик-тирилмас вазифа бўлиб қолди.

Россиянинг агрессив ташки сиёсати давомида унинг келажакда империяни кенгайтириш учун Хитой, Хиндистон, Афғонистон, Эронга уюштирадиган ҳарбий юришида, жанубдаги денгизлар, улар орқали океанга чиқишида Ўрта Осиё плацдарм вазифасини бажариши керак эди.

Яна шуни кўрсатиб ўтмоқ жоизки, чоризмнинг Туркистонга бўлган қизиқиши бу ўлкадаги катта ер ости бойликларини ўзлаштиришга интилиш билан боғлиқдир. Шу билан бирга XIX аср ўрталарида Ўрта Осиёда Россия ва Англия манфаатлари тўқнашди. Бу ҳол Россиянинг Ўрта Осиё хонликларини босиб олиш режасини ишлаб чиқиш ва ҳарбий юришларни тезлаштиришига сабаб бўлди.

Шу сабабларга кўра чор Россияси ўзининг тиш-тирноғига қуроқланган қўшинлари билан Туркистон халқларини бўйсундириш ва жонажон Ватанимизни босиб олиб, унга эгаллик қилиш мақсадида ҳарбий юришларини бошлади.

Олдиндан белгиланган режа асосида рус қўшинларининг ҳужуми Қўқон хонлигига қаратилди. Замонавий қуроқлар билан тўла таъминланган 2850 кишилиқ рус қўшини бир йил олдин мағлубиятга учраган генерал Перовский бошчилигида 1853 йил июл ойида

Окмачит калъасига хужум килди. Оддий куроллар билан куролланган 400га якин калъа химоячилари 20 кун давомида душман хужумини қайтариб, мардлик, жа-сурлик, ватанпарварлик тимсоли бўлиб тарихга кирдилар.

1853-1856 йиллардаги Ёрим уруши сабабли Россия Ўрта Осиёдаги харбий ҳаракатларини тўхтатишга мажбур бўлди. У Кўкон хонлигидаги фаол ҳаракатини 1860 йил ёзидагина қайта ташкил қила олди. Халқимизнинг қаҳрамонона қаршилигига қарамасдан янги харбий техника билан куролланган рус қўшинлари 1860-1864 йилларда Пишпак, Тўқмоқ, Авлиё ота, Туркистон, Чимкент шаҳарлари ва улар атрофидаги қишлоқларни босиб олдилар. Бу жангларда қўнгилли химоячилар, Кўкон хонлиги сарқардаси мулла Алимкул ва бошқалар ўз қаҳрамонликлари билан ватанпарварлик намуналарини кўрсатдилар. 1864 йил октябрида генерал Черняев бошчилигидаги рус қўшинларининг Тошкентга хужуми муваффақиятсизликка учрагач, улар Ниёзбек калъасини эгаллаб, Чирчик дарё-сидаги тўғонни бузиб ташладилар ва шаҳарга сув чиқмай қолди. 1865 йил май ойида руслар Тошкент шаҳрига янгитдан хужум бошладилар. Химоячиларнинг фидокорлиги, Мулла Алимкулнинг тадбиркорлиги янги харбий куроллар ва мунтазам харбий қўшин ол-дида оқибат эди. Тошкентни руслар 42 кун деганда босиб олдилар. 1865-1866 йилларда рус қўшинлари Кўкон хони ва Бухоро амири ўртасида ҳамиша қўлдан-қўлга ўтиб турган Хўжанд, Ўратепа, Жиззах шаҳарларини қаттиқ жанглардан кейин эгаллади.

Бухоро амири Музаффарнинг қўрган тадбирларига, халқнинг қаҳрамонона қаршиликлари қарамасдан 1868 йилги Чўпонота ва Зирабулоқ жангларида русларнинг қўли қаланд қолди. Натижада амир Музаффар Кўкон хони Худоёрхон (1864-1879) қаби Россия билан нотенг сулҳ шартномасини имзолашга мажбур бўлди. Кўкон хонлигига ва Бухоро амирлигига тегишли бўлган ерларнинг қатта қисми Россия та-сарруфига ўтказилди. Қатта миқдорда товуқ қўли бўлди.

Олинмас қалъа ҳисобланган Хива хонлигига руслар қаттиқ тайёргарликлардан кейин 1873 йилда хужум қилдилар. Хонликдаги қолоқлик, харбий техника ва санъат-нинг пастлиги бу ерда ҳам русларнинг қўли қаланд қолди. Хива хони Муҳаммад Раҳимхон Феруз (1864-1910) Гандимий шартномасига асосан 2200000 ол-тин сўм бўлади ҳамда Амударёнинг ўн қирғоғидаги ерларидан ва мустақил ташқи сиёсат юргизишдан маҳрум бўлди. Русларнинг Ўрта Осиёдаги харбий ҳаракатлари XIX асрнинг 80-йиллари ўрталаригача қорвадор қўчманчи туркманларни бўйсундурганга қадар давом этди. Россия ўлкамиз халқларини қўч, қўроқ, қўноқчилик ва қўноқ-қўноқчиликлар қўли билан босиб олди.

1867 йилда Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил этилиб, ўлка бўла қўноқчида харбийлар қўлига ўтди ва ўлкани бошқариш қатта қўноқчиликка эга бўлган Туркистон генерал-губернаторлигига топширилди. Туркистон генерал-губернатори қўноқчиликка генерал фон Кауфман қўноқчили.

Генерал-губернатор қатта қўноқчиликка эга бўлиб, қўноқчи мамлакатлар билан қўноқчилик алоқалар олиб қўноқчи, қўноқчи қўноқчини бел қўноқчи, рус қўноқчилик қўноқчини қўноқчи, қўноқчи аҳоли қўноқчи қўноқчилик турли қўноқчиликни ижро қўноқчилик қўноқчини қўноқчи эди. Бу «Вактлик Низом» қўноқчи қўноқчи мамлакатларининг мустам-қўноқчилик қўноқчини қўноқчилик қўноқчи қўноқчилик, Кауфман Рос-сия императорига 1873 йилда Туркистон ўлкасини бошқаришнинг янги қўноқчилик қўноқчини қўноқчи эди. Низом 1886 йилда қўноқчи Александр II қўноқчилик қўноқчили. Низомнинг қўноқчи қўноқчи қўноқчи, ўлкада Россия қўноқчилик қўноқчи мустамлақачилик,

Ўлка ерлари аввалгидек харбий вазирга бўйсундирилиши назарда тутилган. Марказий ўлка бошқаруви генерал-губернатор ҳамда унинг Кенгаши ва маҳкамасидан иборат эди. XIX асрнинг 90-йилларига келиб, Туркистон генерал-губернаторлиги бешта — Сирда-рё, Фаргона, Самарканд, Ёттисув, Каспийорти вилоятларига, вилоятлар уездларга, уездлар бўлисларга, бўлислар участкаларга бўлиниб бошқариладиган бўлди. Туркистоннинг барча вилоятларида харбий губернаторлик бошқармалари таъсис этилди. Харбий губернаторлар бевосита подшо томонидан тайинланадиган бўлди. Вилоят бошликлари эса доимо харбий губернаторларнинг назорати остида бўлди. Ўлкада мустамлакачилик тартиблари ўрнатилишига кадар хакамлик вазифасини бажариб келган козилар маҳаллий аҳоли ўртасидаги ҳукукий муаммоларни шарият ва одат нормаларига таяниб ҳал қилувчи орган сифатида сақланиб қолинди. Бу, албатта, маҳаллий халқ оммасининг норозилигини қучайтирмаслик мақсадида қўрилган тадбирлар эди. Улар генерал-губернатор томонидан тасдиқланиб, уезд бошликлари назорати остида иш олиб борди. Туркистон генерал-губернаторлигининг маркази — Тошкентни бошқарув 1870 йил-ги шаҳар бошқаруви қондасига қўра тўлиги билан подшо маъмурияти қўлига ўтди. 1877 йилгача эски шаҳар ва янги шаҳар алоҳида бошқарилса-да, лекин эски шаҳарда ҳокимият генерал Гейнс қўлида эди. Ўша йили шаҳар Давлат думасига сайловлар бўлди. Сайланган 71 депутатнинг атиги 21 нафари маҳаллий аҳоли вакиллари эди. Шундай қилиб, XIX асрнинг охирларида Ўрта Осиёнинг катта қисми Туркистон генерал-губернаторлиги номи билан Россия тасарруфига ўтди. Қўкон хонлиги тугатилиб, Хива хонлиги ва Бухоро амирлиги Россия империясига қарашли қичик, ярим мустамлака давлатга айланиб қолдилар. Хива хонининг Амударё бўлими бошлиги, Бухоро амирининг «Рус сийёсий агентлиги» назорати остида эканлиги ва участка при-ставларигача харбий-лардан бўлганлигини инобатга олиб, ўлкада тўла харбий-маъмурий бошқаруви, харбий полиция режими ўрнатилганлигини яна бир бор қайд қиламиз. Бундай бошқарув тез вақт ичида ўлкани руслаштириш ва иқтисодий қарам ҳудудга айлантириш имконини берди.